ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

# “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА

# УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2024

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

# “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент – 2024 йил**

Мазкур услубий қўлланма “маҳалла еттилиги”ни профилактика инспекторининг амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва аҳолини ижтимоий ҳолати, уларнинг яшаш шароитларини яхшилар доирасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга**.

# МУНДАРИЖА


| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | КИРИШ | – | 3 |
| 2. | УМУМИЙ ҚОИДАЛАР | – | 4 |
| 3. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ | – | 5 |
| 4. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ | – | 6 |
| 5. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ | – | 7 |
| 6. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИГА ТААЛЛУҚЛИ БЎЛГАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР | – | 8 |
| 7. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ | – | 9 |
| 8. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМАЛАР ТУЗИШ ТАРТИБИ | – | 10-12 |
| 9. | ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ (ҚУРОЛЛАРНИ) ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ | – | 13-14 |
| 10. | ИЛОВАЛАР | – | 15-21 |

# МАҲАЛЛА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИШ ЮРИТИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ




***Маҳалладаги профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланади ҳамда профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.***

**Профилактика инспектори** — маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга масъул бўлади.

Таянч пунктлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиб, улар ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

## *Профилактика инспекторларининг ваколатлари:*



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган вазифаларни амалга ошириш

Профилактика катта инспектори, ички ишлар органлари таянч пункти ва профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этади ва умумий раҳбарликни амалга ошириш

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

***Маълумот учун:***

*Ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятни профилактика катта инспекторлари, инспекторларидан ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларидан иборат таркибда амалга оширади. Профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланади.*

## *Профилактика инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:*

- фуқаролар ва мансабдор шахслардан қонунчиликка риоя этиш ва ғайриқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

- ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечириш, ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларни олиб қўйиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўзларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

- ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва хабарларни ўрнатилган тартибда текшириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кириш, улардан тегишли маълумотларни сўраш ва олиш;

- ўз иш юритувларида бўлган ишлар ва материаллар бўйича ҳолатларни аниқлаш мақсадида зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва ҳужжатларни олиш учун фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;

- фуқароларни, уларнинг розилиги билан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш;

- қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва тартибда қурол ва махсус воситаларни қўллаш.

***Профилактика инспекторлари қуйидагиларга мажбурдир:***

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш;
- жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этилган жойга дарҳол етиб келиш, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни бартараф этиш, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш;
- жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этилган жойда жабрланган, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;
- ўз хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан унга маълум бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига тааллуқли маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, хизмат маълумотлари, шунингдек, тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг махфийлиги ва сақланишини таъминлаш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ўтказишда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;
- чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримлари, прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг қарорларини тегишли ҳудудда бажарилишини таъминлаш;
- қонун ҳужжатлари билан ички ишлар ходимлари учун белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этиш.

## *Профилактика инспекторига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар:*



***Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига кўра, профилактика инспекторига қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли:***

- *ушбу Кодекс 47-моддаси биринчи қисмида, 473, 54, 561-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 1286-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 1882, 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, $223^1$, $223^3$-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;*
- *ушбу Кодекс 47-моддасининг биринчи қисмида, 561-моддасида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари;*
- *ушбу Кодекснинг 476, 63-моддаларида, 72-моддасида (бундан ер ости сувларига доир қисми мустасно), 79-моддасида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90, 901-моддаларида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 911, 912-моддаларида ва 101-моддасида (бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;*
- *ушбу Кодекснинг $206^1$-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлари ва инспекторлари.*

## *Профилактика инспектори томонидан жисмоний шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш асослари*

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54, 56, 57, 58, 61, 90 моддаларида, 164моддасининг тўртинчи қисмида, 170, 183, $184^2$, $184^3$, 191, 194, $194^1$, 195, $195^1$, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225 моддасининг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши жиноят ишлари бўйича суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.

***Маълумот учун:***

*Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар профилактика инспектори томонидан ваколат доирасида олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса— сотиб юборилади.*




## *Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённома тузиш тартиби*



**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XX бобида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш тартиби белгиланган. Унга кўра:**

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади;*

*Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади;*

*Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.*

### *Маълумот учун:*

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақидаги низомга кўра, баённома ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида планшет ёки компьютер ёрдамида «E-ma’muriy ish» тизими орқали низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.*



## Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани жўнатиш

***Баённома бошқа хужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.***

***Маълумот учун:***

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда баённома тузилмайди. Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади. Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.*

### Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар:

1

- *фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошмаса, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди*

2

- Транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган, шунингдек солиқ ёки божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ёки Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.



## Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш

1. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин.*

2. *Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин.*

3. *Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас*




**Профилактика инспектори қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни (қурол) қўллаш ҳуқуқига эга**



фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун



жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда



профилактика инспекторига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда



жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда



қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда



қамоққа олинган, ушлаб турилган шахсларни, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида



зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда



фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда



ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда



жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда



муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

*1-илова*

**Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақида**
**БАЁННОМА**

2024 йил «__» _______ Тошкент шаҳри

___________________________________________________________________________
___________________________________________________________________________
___________________________________________________________________________
_____

(Баённома тузган ходимнинг лавозими ва унвони)

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг ____________________________ моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 286, 287, 288-моддалари талаблари асосида мазкур баённома тузилди, яъни:

Фамилияси _______________________Исми ____________________________
Шарифи__________________________ Туғилган санаси __________________
Туғилган жойи ____________________Маълумоти _______________________
Оилавий ҳолати ___________________ Яшаш манзили _____________________________________________________________________________
_____________________

Муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида маълумот ___________________________________________________________________________
___________________________________________________________________________
______

(МЖтКнинг қайси моддаси билан,қачон жавобгарликка тортилганлигига оид маълумотлар кўрсатилади)

Ишлаш ёки ўқиш жойи, касби _____________________________________
_____________________________________________________________________

20__ йил «___»_______ куни соат «___»дан «____» дақиқа ўтганда маъмурий тартибда ушланди ҳамда ________________ тумани ИИБ навбатчилик қисмидаги вақтинчалик ушлаб туриш хонасига вақтинча сақлаш учун топширилди.

Ушлаб турилган шахс ____________________________________ га Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 294-моддасида кўрсатилган:ушланган шахснинг иш материаллари билан танишиб чиқишга; изоҳлар беришга; далиллар келтиришга; ўз илтимосини баён этишга; ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга; ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга; иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга бўлган**ҳуқуқлари тушунтирилди**.

**Баённома билан танишиб чиқдим**:

___________ ___________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Баённома тузган шахс** ___________ ___________________
(имзо) (ходимнинг Ф.И.Ш.)

Ушлаб турилган шахс _______________________________ 2024 йил «___»_______ куни соат «___»дан «____» дақиқа ўтганда қўйиб юборилди.

Ушлаб турилган шахснинг шикоят ва эътирозлари:
____________________________________________________________________________
____________________________________________________________________________
____________________________________________________________________________
____________________________________________________________________________
____________

**Баённома билан танишиб чиқдим**:__________ __________________
(имзо) ( Ф.И.Ш.)

**Баённома тузган шахс**____________________________
(имзо) (ходимнинг Ф.И.Ш.)

Эслатма: Шахсни маъмурий йўл билан **ушлаб туриш муддати** ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади; маст ҳолдаги шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати **уч соатгача** ҳисобланади.Ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, **уч суткагача** ушлаб турилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан **ўн суткагача** ушлаб турилиши мумкин.МЖтКнинг 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 170, 183, $184^2$, $184^3$, 191, 194, 195, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи —учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин **24 соатдан кўп бўлмаган** муддатга ушлаб турилиши мумкин.Ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин **24 соатдан кўп бўлмаган** муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Агар маъмурий тартибда ушлаб турилган шахс ушлаб туриш ҳақида тузилган мазкур баённомага имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритиб қўйилади.

*2-илова*

**АШЁНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**
**Б А Ё Н Н О М А**

“ ” _____________ 2024 йил Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИОФМБ ТҚКБ _________________________________________________________ қуйидаги холислар иштирокида:

1.______________________________________________________________________

2.______________________________________________________________________

______________________________________________________________________

Холисларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди:

1. ______________________ 2. ______________________

______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 160-163, 203, 205-206 моддаларига асосланиб мазкур баённома тузилди.

Баённома иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди иштирокчилардан қўшимча эътирозлар билдирилмади.

Холислар: 1. _________________________

2. _________________________

**Чилонзор тумани ИИОФМБ ТҚКБ ________________________________ __________**

**Баённома билан танишдим: ________ _____________________**

**«___» _______ 2023 й.т**

*3-илова*

**Шахсий тинтув**

**Б А Ё Н Н О М А**

*«     » август 2024 йил* *Тошкент шаҳри*

**Соат: ____:____**

Мен, Чилонзор тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори майор Р.Р. Адизов ва холислар иштирокида:

1. 1959 й.т., Чилонзор тумани 8-мавзе 58-уй 46-хонадонда яшовчи Адамбаев Шоназар Раджабович;

2. 1992 й.т., Чилонзор тумани 9-мавзе 23-уй 39-хонадонда яшовчи Эгамбердиев Ботир Баҳодир ўғли;

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 8-мавзе 56-уй 22-хонадонда яшаб келаётган **Атабаев Фарход Игамбердиевич**нинг олдида нима борлиги чиқарилиши сўралганида унинг ёнидан хеч қандай қимматбаҳо буюмлар аниқланмади ва олинмади.

Томонлардан эътирозлар тушмади.

**Холислар:**

**1. Ш.Р. Адамбаев** __________

**2. Б.Б. Эгамбердиев** __________

**Ҳуқуқбузар шахс:** __________ **Ф.И. Атабаев**

**Чилонзор тумани 1-сонли ИИБ**
**ХПБ ПКИ майор** **Р.Р.Адизов**

*4-илова*

**ҚАРОР**
**Шахсни маъмурий озод қилиш тўғрисида**

«____» август 2024 йил Тошкент шаҳри
соат ____:_____

Мен, Чилонзор тумани 1-ИИБ ҲПБ ПКИ майор Р.Р. Адизов, Чилонзор тумани 8-мавзе 56-уй 22-хонадонда яшаб келаётган **Атабаев Фарход Игамбердиевич**га нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И М:**

03.08.2021 йил куни 29.09.1982 йилда туғилган, Чилонзор тумани 8-мавзе 56-уй 22-хонадонда яшовчи **Атабаева Барно Миркадировна**, Чилонзор тумани ИИО ФМБ бошлиги номига ариза билан мурожаат килиб уз аризасида турмуш ўртоғи 1980 йилда туғилган фуқаро **Атабаев Фарход Игамбердиевич** доимий равишда кўча-кўйда спиртли ичимлик ичиб келиб уйда бақир чақир қилиб жанжал чиқаришини ва уятли сўзлар билан сўкиниб уйидаги жиҳозларни сотиб юборишини, уйидаги нарсаларни отиб синдириб, маст ҳолатда қўни-қўшниларни осойишталигини бузиб, ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, тинчлик бермаётганлиги учун унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб мурожаат килган. Ушбу ҳолат юзасидан Чилонзор тумани 8-мавзе 56-уй 22-хонадонда яшаб келаётган **Атабаев Фарход Игамбердиевич** бир неча бор огоҳлантирилишига қарамасдан хизмат хонасига таклиф килинганида ИИБ ходимларининг қонуний талабларини бажармади. Юқоридагиларни инобатга олиб, фуқаро **Атабаев Фарход Игамбердиевич**га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг **183-модда**, **194-модда ___-қисми** бўйича процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Чилонзор тумани ИИО ФМБ НҚга топширилди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро **Атабаев Фарход Игамбердиевич**га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг **183-модда**, **194-модда ___-қисми** бўйича расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатларни ва фуқаро С.Ф. Шакировни Чилонзор тумани маъмурий судига олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юкоридагиларни инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:**

1. Чилонзор тумани ИИО ФМБ НКга топширилган Ўз.Рес. МЖтКнинг 183-модда, 194-модда ___-қисми билан айбланаётган фукаро **Атабаев Фарход Игамбердиевич**ни 04.08.2024 йил соат ___:___ да Чилонзор тумани ИИО ФМБ биносидан маъмурий озод қилинсин.

**Чилонзор тумани 1-ИИБ ҲПБ**
**ПИ капитан** **Х.П.Қодиров**

Танишдим, эътирозим йўқ
Ҳуқуқбузар: С.Ф.Шакиров

*5-илова*

1. *Электрон маъмурий баённома серия ва рақами:* ☐☐☐ ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐

# Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор

2. Серия ☐☐☐
3. Рақам ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐
4. Қарор чиқарилган санаси __/__/____ (кун,ой,йил)
5. Вақти __:__
6. Қарор чиқарган вилоят, шаҳар/туман номи ______________________
7. [QR]

## ҚАРОР ЧИҚАРГАН ОРГАН (МАНСАБДОР ШАХС)

*Ваколатли орган рамзи*

8. Орган ______________________
9. Жетон ёки гувоҳнома (серияси, рақами) ____________
10. Қарор чиқарган шахснинг имзоси (Электрон имзо)
11. Сана __/__/____ (кун,ой,йил)
12. Ф.И.О ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐
13. Лавозими ____________
14. Унвони ____________

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС

шахсга оид маълумотлар, мультибиометрик таққослаш орқали идентификация қилинган

*ШІ-1 даги фуқарони фотосурати*

15. Ф.И.О ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐
16. Туғилган сана __/__/____ (кун,ой,йил)
17. Туғилган жойи ______________________
18. Ҳужжат серияси ва рақами __/ ________
19. Миллати ____________
20. Фуқаролиги ____________
21. Турар жойи ______________________
22. Иши жойи, машғулот тури, лавозими ______________________
23. Суғурта полиси (серияси, рақами, амал қилиш муддати) ______________________
24. Мастлик ҳолати ______________________
25. Транспорт воситаси ҳақида маълумот (русуми, давлат рақами белгиси, тури, ранги) ______________________
26. Шахсига оид қўшимча маълумотлар
27. Аввал маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақида маълумотлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЖТКНИНГ $269^1$, 304, 305, 306, 307 ҲАМДА 309, 311-МОДДАЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

28. Модда ____
29. Прим ____
30. Қисм ____
31. Қўшимча модда ________

32. ____________ қоидаларининг ________ банд(лар)и бузилди

Маъмурий жазонинг қўлланилиши 33. ☐ **33-модда** 34. ☐ **34-модда**

35. *Ҳолат юзасидан олинган фотосурат* | *Ҳолат юзасидан олинган фотосурат*

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ШАХС УЧУН ТАЙИНЛАНГАН ЖАЗО ЧОРАСИ

36. Жарима миқдори (сўм) *XXX XXX,XX* *(миқдори ёзув кўринишда)*
37. Зарар миқдори (сўм) *XXX XXX,XX* *(миқдори ёзув кўринишда)*
38. Қўшимча жазо чораси ____________

**Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни олдим**

39. ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг имзоси (Электрон имзо)
40. ☐ **СМС**
41. ☐ **Почта**
42. ☐ **Мен розиман**
43. ☐ **Рози эмасман**
44. ☐ **Адвокат хизматидан фойдаланди**
45. Сана __/__/____ (кун,ой,йил)

**Ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз:**

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби. Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида жарима миқдорининг 70 (етмиш) фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно. ЎзР МЖтКнинг 332-модда прим 1

Мазкур электрон қарор устидан эътирозингиз бўлса, туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича суд органларига қарор нусхасини олган кунингиздан бошлаб 10 (ўн) кун ичида шикоят ёки протест келтиришингиз мумкин. Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилинган орган (мансабдор шахс) ёки бевосита шикоят йўллаган судга юборилади.

46.

| ХАБАРНОМА | | | | |
|---|---|---|---|---|
| [QR] | Орган номи ________ | | | |
| | Банк номи ________ | Банк коди **XXXXX** | СТИР | **XXX XXX XXX** |
| | Олувчининг ҳисоб рақами **XXXX XXXX XXXX XXXX XXXX** | Ғазна ҳисоб рақами **XXXX XXXX XXXX XXXX XXXX** | | |
| | Тўловчининг Ф.И.О ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | | Туғилган сана | __/__/____ (кун,ой,йил) |
| | Тўловчининг яшаш манзили ________ | | СТИР | **XXX XXX XXX** |
| ТЎЛОВ РАҚАМИ ☐☐☐ ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | Тўлов номи **Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима** | Қарор санаси __/__/____ (кун,ой,йил) | Пул миқдори (сўм) | **XXX XXX,XX** (миқдори ёзув кўринишда) |
| Хазиначи | Тўлов номи **ЎзР МЖтКнинг XXX-модда пр.X асосида 70%** | Сана гача __/__/____ (кун,ой,йил) | Пул миқдори (сўм) | **XXX XXX,XX** (миқдори ёзув кўринишда) |

47.

| ПАТТА | | | | |
|---|---|---|---|---|
| [QR] | Орган номи ________ | | | |
| | Банк номи ________ | Банк коди **XXXXX** | СТИР | **XXX XXX XXX** |
| | Олувчининг ҳисоб рақами **XXXX XXXX XXXX XXXX XXXX** | Ғазна ҳисоб рақами **XXXX XXXX XXXX XXXX XXXX** | | |
| | Тўловчининг Ф.И.О ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | | Туғилган сана | __/__/____ (кун,ой,йил) |
| | Тўловчининг яшаш манзили ________ | | СТИР | **XXX XXX XXX** |
| ТЎЛОВ РАҚАМИ ☐☐☐ ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | Тўлов номи **Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима** | Қарор санаси __/__/____ (кун,ой,йил) | Пул миқдори (сўм) | **XXX XXX,XX** (миқдори ёзув кўринишда) |
| Хазиначи | Тўлов номи **ЎзР МЖтКнинг XXX-модда пр.X асосида 70%** | Сана гача __/__/____ (кун,ой,йил) | Пул миқдори (сўм) | **XXX XXX,XX** (миқдори ёзув кўринишда) |

*6-илова*

**Профилактика инспектори фаолиятида қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2896-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5050-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6196-сон Фармони;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабдаги “ Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат органлари ва ташкилотлари идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 598-сон қарори;
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июн “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 343-сон қарори;
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 431-сон қарори;
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низом.

**Қайдлар учун:**